Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2019 йил 5 февраль •сешанба • № 19 (4148)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИККА ОИД «ЙЎЛ ХАРИТАЛАРИ» ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 февраль куни Германия, Франция, Ҳиндистон ва Бирлашган Араб Амирликлари билан икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш, жумладан, қабул қилинган «йўл хариталари» ижросини сўзсиз таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Инвестиция иқтисодий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Шу боис, бу масала давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. 2019 йил мамлакатимизда «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилинди. Бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ташкил этилди.

Йиғилишда мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш орқали бизнесни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётгани, лекин бу ҳали етарли эмаслиги таъкидланди.

Инвестиция билан шуғулланувчи кадрлар етишмайди. Инвесторлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, мавжуд инфратузилмани ривожлантириш зарур. Шу боис, бу соҳа бўйича ҳали яна кўп ишлашимиз, изланишимиз керак. Хориждан инвестиция кирмаса, мамлакат ривожланмайди, деди Шавкат Мирзиёев.

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг етакчи хорижий давлатлар билан алоқалари жадал ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Сиёсий мулоқотлар ва делегациялар алмашуви фаоллашяпти.

Давлатимиз раҳбарининг хорижий мамлакатларга ташрифлари давомида ўзаро ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари янги босқичга кўтарилгани, жумладан, Ўзбекистон билан Германия, Франция, Ҳиндистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида умумий қиймати 14 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган манфаатли шартнома ва келишувлар имзолангани қайд этилди.

Франция ва Германия каби нафақат Европа Иттифоқи, балки жаҳоннинг етакчи давлатлари Ўзбекистоннинг ишончли ва истиқболли шерикларидан бўлиб, ташрифлар ўзаро ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Ушбу мамлакатлардан, аввало, замонавий технологиялар, инновациялар, илғор тажриба ва бошқарув менежментини юртимизга жалб этиш устувор вазифадир. Инвестициявий лойиҳалар бўйича битим ва келишувларнинг ижро муддати, масъул идоралар ва шахслар «йўл хариталари»да аниқ кўрсатилган.

Давлатимиз раҳбари халқимиз фаровонлигига хизмат қилувчи истиқболли лойиҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ бажариш зарурлигини таъкидлади.

Шу мақсадда Германия билан тузилган Инвестиция ва технологиялар бўйича қўшма қўмитанинг ишчи гуруҳи «Йўл харитаси»даги лойиҳалар мониторинги ва сўзсиз амалга оширилишига жавоб беради. Шундай тизимли ишни бошқа давлатлар билан ҳам татбиқ қилиш кераклиги қайд этилди.

Президентимиз ўтган йили октябрь ойида Нью-Деҳлида ва жорий йил январь ойида Гужаратда Ҳиндистон Бош вазири Нарендра Моди билан учрашиб, ушбу ташрифлар натижасида салкам 3,5 миллиард долларга тенг инвестициявий лойиҳалар ва савдо битимларини амалга оширишга келишиб олинган эди. Ушбу битимлар ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, инновация, қишлоқ хўжалиги, агрокластерлар, таълим каби соҳаларга оиддир.

Андижонда фармацевтика соҳаси бўйича биринчи қўшма эркин иқтисодий зона ва Шарда университети, Тошкентда технопарк ва Амити университетининг очилиши, замонавий тиббиёт клиникалари қурилиши ва шу каби қатор лойиҳалар ижроси тўлиқ таъминланиши зарурлиги қайд этилди.

Араб-мусулмон дунёсида катта нуфузга ва улкан салоҳиятга эга Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳам икки ва кўп томонлама ҳамкорликни давлатларимиз имкониятларига мос даражага кўтариш йўлида изчил қадамлар ташланмоқда. Кейинги пайтларда ушбу мамлакат билан делегациялар алмашуви фаоллашиб, лойиҳалар бўйича жадал тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Йиғилишда БААнинг молиялаштириш имкониятлари ва инвестицияларини Ўзбекистонга жалб қилиш хусусида ҳам сўз юритилди.

«Йўл хариталари»даги ҳар бир лойиҳа сифатли ва ўз муддатида бажарилишига эришиш, муаммоли лойиҳалар бўйича янги ҳамкорларни излаб топишга асосий эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантиришга қаратилган бу каби қатъий саъй-ҳаракатлар мамлакатимизнинг барқарор тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилиши таъкидланди.

Хорижий инвестициялар бўйича эришилган келишувлар ижроси юзасидан мутасаддилар ахбороти тингланди.

**ЎзА**

## «ОЧИҚ ИНТЕРВЬЮ»

**рукнининг бу галги меҳмони Хоразм вилояти ҳокими Фарҳод ЭРМОНОВ**

**Саволларимиз эса қуйидагича:**

*– Вилоятга раҳбарлик қилаётганингизга 9 ойдан ошди. Бу даврда вилоятда қандай ислоҳотларни амалга оширишга улгурдингиз?*

*– Хоразм вилояти мамлакатимизнинг хорижий инвестициялар энг кам жалб қилинаётган ҳудудларидан бири. Бунинг сабабларини нималарда кўрасиз?*

*– Кейинги пайтларда Урганч шаҳрида тез-тез чанг кўтарилаётир. Буни фақат экологик вазият билан изоҳлаб бўлмайди. Балки, шаҳарда ободонлаштириш тадбирлари тўғри ташкил қилинмагани ҳам бунда роль ўйнаётгандир? Сиз вилоят раҳбари сифатида ҳудудда экологик барқарорликни таъминлаш юзасидан қандай чора-тадбирларни кўряпсиз? Ободонлаштириш борасида-чи?*

*– Жозибаси Самарқанд-у Бухородан кам бўлмагани ҳолда Хивага ташриф буюраётган хорижлик сайёҳлар сонида катта фарқ бор. Хивага темир йўл келиши ушбу фарқни камайтириши мумкиндир. Бироқ ҳудудда туризм логистикасини талаб даражасида ташкил қилмасдан, хизмат кўрсатиш сифатини оширмасдан кутилган натижага эришиб бўлмайди. Бу ҳақда фикрингиз қандай?*

*– Муҳтарам Президентимиз 2018 йил 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан қатор топшириқлар берган эди. Ушбу топшириқлар ижроси қай даражада уддаланяпти? Хусусан, 2019 йилда вилоятда нечта муқим иш ўрни яратилади?*

*– Вилоят аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш учун яна қандай тадбирларни қўллашни режалаштиряпсиз? Хусусан, бугун вилоят аҳли, айниқса, чекка ҳудудлар аҳолиси табиий газ таъминоти ва ички йўллар ҳолатидан қониқмайди. Бу борада қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда?*

*Жиззах вилояти* | **Президент ташрифидан сўнг...**

## Ўзгараётган Жиззах

**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 30-31 январь кунлари Жиззах вилоятига қилган ташрифи вилоят аҳлида унутилмас таассуротлар қолдирди.**



### «БИЛАМАН, БУЛАР ПАРИЖДАН»

Президентимиз 30 январь куни дастлаб Фориш туманида бўлиб, бу ерда атом электр станциясини қуриш учун муҳандислик тадқиқотлари ўтказилаётган майдонлардан бирини кўздан кечирди. «Ўзатом» агентлиги ва «Росатом» корпорацияси раҳбарлари билан мулоқотда бўлиб, тадқиқотларнинг бориши, бу улкан лойиҳани амалга ошириш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.

– Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барпо этилаётган атом электр станцияси келажакда кўпчиликнинг иш билан таъминлашишига, энг муҳими, барқарор электр таъминотига эришилиб, иқтисодиётимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Фориш тумани кенгаши раиси Наим Маҳамматов. – Кундалик ҳаётимизни бир кун ҳам электрсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, замонавий атом электр станцияси ҳар жиҳатдан ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, бу станциянинг ишга туширилиши натижасида миллиардлаб куб метр табиий газ иқтисод қилинади, атмосферага карбонад ангидрид чиқарилиши йилига 14 миллион тоннагача, азот оксидлари чиқарилиши эса 36 минг тоннага камаяди. Атом энергияси экологик тоза бўлиб, ис гази ҳосил қилмайди.

Ўша маълум-у машҳур кинода «Биламан, булар Париждан» дея тилга олинган Фориш нафақат Жиззах вилояти, балки республикамизда ҳам ҳудуди катта, имкониятларга бой тумандардан бири сифатида ўзига хос нуфузга эга. Аввалги ташриф чоғида берилган топшириққа асосан, бу ерда сувни тўплаш ва ундан тежаб фойдаланишга қаратилган ишлар амалга оширилди. Натижада туманда қўшимча 50 минг гектар суғориладиган ер пайдо бўлди.

2 ▸

*Бу ҳақда эшитдингизми?*

## Пенсияларни тайинлаш соддалаштирилди

Вазирлар Маҳкамасининг **«Фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишни жорий этиш чора-тадбирлари ҳақида»**ги қарори қабул қилинди.

Ҳужжат билан Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритиш фуқароларнинг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри базаси асосида ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди.

Белгиланишича, **фуқароларнинг пенсияларини ҳисоблаш учун зарур бўлган ҳисобланган иш ҳақи суммалари тўғрисидаги маълумотлар 2019 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир жисмоний шахс бўйича иш берувчилар томонидан давлат солиқ органларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ ҳисоботи таркибида белгиланган тартибда электрон шаклда тақдим этилади.**

**ishonch.uz:**

## «Матбуот бонг уради!»

**ishonch.uz** сайтида **«Матбуот бонг уради!»** рукнида марказий нашрларда эълон қилинган долзарб мавзудаги танқидий-таҳлилий мақолалар бериб борилаётган эди. Бу кутилган натижани бериб, муштарийларнинг ўзига хос эътирофларига сазовор бўлди. **Кўплаб талаб ва истакларни инобатга олган ҳолда ҳудудлардаги, яъни вилоят, шаҳар ва туман нашрларида чоп этилаётган долзарб мавзудаги материалларни ҳам сайтда бериб боришга қарор қилдик.** Шу боис, ҳамкасбларимиздан ўз нашрлари саҳифаларида чоп этилган мақолаларни **xatlar@ishonch-doverie.uz** электрон почта манзилига юборишларини сўраймиз.




УЧ ТАЛАБАНИНГ ОТАСИЯМ ТАЛАБА




ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ЗАРУР




МАТБУОТ, МАЖБУРИЙ ОБУНА, ВИЖДОН...




ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ ДАВЛАТ ЎЗ ҲИМОЯСИГА ОЛАДИМИ?









◂1

– Президентимиз бу ерлардан унумли фойдаланиб, талаб юқори бўлган маҳсулотлар экиш, аҳолининг даромадини ошириш бўйича таклиф, тавсия ва кўрсатмалар берди, – дейди Жиззах вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Анорбой Эшматов. – Туманнинг қишлоқ хўжалиги, геология, қайта ишлаш, туризм соҳаларидаги мавжуд имкониятларидан ҳам тўғри ва кенг фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида қимматли фикрлар билдириб, топшириқлар берди. Ушбу вазифаларни сифатли ва тўлиқ адо этиш барчамизнинг бурчимиздир. Шундагина Президентимиз ва халқимиз ишончини оқлаган бўламиз.

Фориш туманида 2017 йил декабрда иш бошлаган «Mega Invest Industrial» қўшма корхонаси, таъкидлаш жоизки, минтақамизда ягона ва МДҲ давлатларида иккинчи шундай корхонадир. Базальт тошини қайта ишлаб, базальт толаси ва арматураси ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бу корхонада бугунги кунда 250 нафар юртдошимиз иш билан банд. Корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, ишловчилар сони ҳам кескин ортади.

– Телевизорда кўрсатишди, корхонада асосан ёшлар ишлар экан. Иш бошқарувчи ҳам ёш йигит экан. Уларга жуда ҳавасим келди, – дейди меҳнат фахрийси Ғайбулла Баримов. – Мана, ёшларга берилаётган имконият ва эътибор, мана, ёшларнинг ғайрат-шижоати, мана келажак!

Ҳа, Форишда ўзгаришлар катта, турли лойиҳалар бўйича ҳаракатлар, ишлар жадал кетяпти. Бу ҳудуд тез орада ҳар тарафлама ривожланишига шак-шубҳа йўқ. Ана ўшанда кечаси кўчалари чироқлардан ёришиб турадиган шаҳарчада яшаб, меҳнат қиладиган форишлик юртдошимиз «парижданман» деб ҳазил-мутойиба қилса, чинга йўйганлар хатога йўл қўймайди.

### МИРЗАЧЎЛ ЧЕВАРЛАРИ ҲАЁТДАН МАМНУН

Кейинги бир йил ичида Мирзачўл тумани ва туман маркази – Гагарин шаҳарчаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ўтган 2018 йилда «Обод қишлоқ» дастури доирасида туманда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Эски барак типидаги уйлар бузилиб, янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар қурилди, кўчалар, йўллар, майдонлар ободонлаштирилди. Кўплаб ҳудудлар сингари «Ғалаба» маҳалласи ҳам ҳайратланарли даражада чирой очди.

Ҳудудда жойлашган «Мирзачўл тикувчилик мажмуаси»да бўлиб, шуни билдикки, бу ерда ишлаётган хотин-қизларнинг кўпчилиги илгари «кетмончи» бўлган.

– 19 йил баракда яшаганман, далада кетмон чопганман, – дейди Гулзора Даминова. – Ҳозир тикув цехида бичувчи бўлиб ишлаяпман. Уч хонали коттеж олдим. Яқинда қизимни янги уйдан узатдим. Президентимизнинг ишхонамизга келиши, биз билан мулоқотда бўлишини сира кутмагандим. Жудаям таъсирланиб кетдим, йиғлаб юбордим.

– Президентимиз, мендан имконият, сизлардан эса ҳаракат, ҳали кўп ишларни амалга оширамиз, деб айтди, – дейди тикувчи Чарос Жўрақулова. – Шундай гаплардан сўнг ишламай, жон куйдирмай бўладими? Ҳамма-ҳаммаси учун беҳад миннатдормиз.

Эски баракдан икки хонали уйга кўчиб ўтган тикувчи Гулзода Абдуллаева ҳаяжонли таассуротларини шундай ифодалади: Президентимиз қўлимни сиқиб, «қизим, розимисизлар?», деб сўрадилар. Ҳаяжонланиб «Ҳа, ҳа, розимиз» дедим. Янги уйлар, янги иш ўринлари учун мингдан минг розимиз. Илойим, бахтимизга соғ-омон бўлсинлар!

– Ўтган йили 22 август куни туғилган кунимда янги уч хонали, жиҳозланган коттежга кўчиб ўтганмиз, – дейди Хуршида Ҳотамова. – Ўша куни эрталаб барак уйимиз бузиладиган бўлди, тушдан кейин янги уйга кўчиб, кечқурун туғилган кунимни бир олам хурсандчилик билан нишонлаганмиз. Илгари фақат далани билардик. Кун келиб, янги уйли бўлиш, кетмонни ташлаб тикувчи бўлиш тушимга ҳам кирмаган.

Тумандаги «Мирзачўл текс» масъулияти чекланган жамиятида ҳам 50 нафарга яқин хотин-қизлар меҳнат қилади. Табиийки, тикувчилик, бичувчилик ва замонавий дастгоҳларда ишлаш кўникмасини ҳосил қилишнинг ўзи бўлган эмас.



# Ўзгараётган Жиззах




– Корхонамизда 70 дан зиёд хотин-қизлар иш билан таъминланиб, улар ҳозирча беш турдаги жинси шимлар тикмоқда, – дейди корхона иш юритувчиси Раҳматжон Тўхташов. – Давлатимиз раҳбари корхонамизга ташрифи чоғида фаолиятимизга доир зарур кўрсатмалар берди, келгусида жинси учун керакли материалларни четдан келтиришга ҳожат қолмаслигини айтди.

### КУТИЛМАГАН ТАШРИФ

«Ғалаба» маҳалласининг Барокат кўчасидаги 1-уйда яшовчи Мақсуд Мисиров оиласига бугун ҳамманинг ҳаваси келяпти. Чунки бу хонадонга давлатимиз раҳбари ташриф буюриб, оила аъзолари билан суҳбатлашди-да.

– Бу биз учун жуда катта кутилмаган бахт, – дейди уй бекаси Маърифат Ҳайдарова. – Президентимиз янги уй билан табриклаб, яшаш ва иш шароитларимиз билан қизиқди. Олдинги уйлар билан ҳозирги уйларнинг фарқини сўради. Бу ташрифдан бошимиз осмонга етди. 15 йил баракда яшаганмиз, шу уйда қолиб кетамизми, деб ўйлардик. Йўқ, замонанинг зайли билан ҳаммаси ўзгариб кетди. Ишлиям бўлдик, уйлиям бўлдик. Раҳмат.

– Президентимиз «Кел, қизим, ёнимда ўтир» дедилар, – дейди Моҳинур Мелиқулова. – Мен жудаям бахтлиман. Ахир, Президент билан ёнма-ён ўтириб, суҳбатлашиш ҳаммага насиб этмайди-ку!

### УЛАР УЧТА ТИЛДА САЛОМЛАШАДИ

Мирзачўл туманидаги «Бинафша» давлат мактабгача таълим муассасасида бўлганимизда болажонлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида салом беришди ва шу тилларда шеърлар ўқишди.

2018 йилда «Обод қишлоқ» дастури асосида капитал таъмирланган боғча 280 ўринга мўлжалланган. Бу ерда болажонларнинг замонавий таълим-тарбия олиши учун барча шароитлар яратилган.

– Боғчамиз энг замонавий инвентарлар билан жиҳозланган, – дейди муассаса мудираси Насиба Абдуллаева. – Кичик спорт ва ўйин майдончалари, интерфаол ўйинлар, ақлни чархлашга кўмаклашувчи махсус хоналар мавжуд, Президентимиз ташрифидан ҳаммамиз беҳад мамнун бўлдик. Давлатимиз раҳбари «болаларни боғчаларда ухлатиш эмас, уларни ўқитиб, ўргатиб, мактабга тайёрлаб бериш керак» деб таъкидладилар.

Ҳа, ҳозирча уч тилда салом бераётган болалар келгусида учта тилда бемалол сўзлашади. Бунга шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

### ЭНДИ УЗОҚҚА БОРИШ ЙЎҚ

Мирзачўл тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида турли касалликлар бўйича 10 нафардан ортиқ малакали мутахассис аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

– Мирзачўлда 50 йилдан бери яшайман, – дейди Акабай Баротов. – Кейинги пайтда юрагим безовта қиляти. Дўхтирга кўриниш, даволаниш учун ё Жиззах, ё Гулистонга борардим. Бу ердаги ускуналар ҳам зўр экан. Энди у ёқларга боришга ҳожат қолмас-ов.

– Олдинги поликлиниканинг йўлаги ҳам, хоналари ҳам жуда тор эди, – дейди меҳнат фахрийси Шакарой Қўшмуродова. – Камига поликлиника тўртта бинода жойлашган эди. Энди-чи, ҳаммаси бир жойда, катта бинода.

Дарвоқе, «Обод қишлоқ» дастури доирасида янгидан барпо этилган мазкур тиббиёт муассасаси мамлакатимизда намунали кўп тармоқли поликлиника сифатида иш бошлади.

### ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲАММА НАРСАДАН УСТУН

Ташрифнинг иккинчи куни Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Жиззах вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш масалаларига бағишланган видеоселектор бўлиб ўтди.

– Унда давлатимиз раҳбари «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган тамойил асосида халқимиз ҳаётини яхшилаш, дастур ва лойиҳалар бўйича вилоятда амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратди, – дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Нусратилла Пардаев. – Йиғилишда Мирзачўлда қилинган ишлар тажриба, намуна бўлгани, энди ҳар бир туман марказини ҳам шу тарзда обод қилиш зарурлиги ва бу борадаги ишлар шу йилнинг ўзида якунланиши кераклиги алоҳида таъкидланди. Халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлидаги ишлар бошлаб юборилди.

Мирзачўлга борган кунимиз Жиззах вилоятидаги туман марказларини замон талаблари асосида қайтадан қуриш масалаларига бағишланган йиғилиш устидан чиқиб қолдик. Бир қатор вазирлар, республика идора ва ташкилотлари, Жиззах вилоятидаги бошқармалар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари иштирок этган бу йиғилишда Президент топшириғини бажариш юзасидан кўплаб вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, жорий йилнинг 1 сентябрига қадар Арнасой, Зафаробод, Зарбдор, Дўстлик, Пахтакор, Фориш туманларида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш ишларини якунлашга келишиб олинди. Вилоятнинг бошқа туманларида бу муддат декабрь ойи охирига қадар белгиланди.

Айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари ташрифидан сўнг кўп нарса ўзгарди. Буни одамларнинг кайфиятида, юз-кўзида, сўзида, ва албатта, аллақачон бошланиб кетган улкан ишларда ҳам кузатиш мумкин.

**Алижон АБДУРАҲМОНОВ,**
«Ishonch» мухбири

*Қорақалпоғистон Республикаси*

# «Бўзатов»да янги оромгоҳ бунёд этилади

**Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан «Бўзатов» овул фуқаролар йиғини ҳудудида болалар ёзги дам олиш оромгоҳини бунёд этиш режаси ишлаб чиқилган эди. Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси молиялаштираётган замонавий дам олиш маркази биносининг тамал тоши қўйилди.**



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари О.Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Муродов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Қ.Рафиков, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниязов қатнашди.

– Қишлоғимизда 200 ўринга мўлжалланган оромгоҳнинг бунёд этилиши ўта қувончли воқеа бўлди, – дейди «Бўзатов» ОФЙ раиси Жумабой Нуримбетов. – Омад келса, қўшалоқ келар экан. Овулимиз «Обод қишлоқ» дастурига киритилди. Маданий-маиший объектлар қатори ҳудудимизда асфальт заводи қурилаётир. Янгиланишлар сабаб кўплаб ҳамқишлоқларим бандлиги таъминланмоқда.

Туман марказидан 25 километр олисда жойлашган «Шағирли» овулининг қиёфаси тубдан ўзгариш арафасида. Бу маскан тез орада обод ва кўркам гўшага айланади.

**Ортиқбой МАМУТОВ,**
«Ishonch» мухбири



*Наманган вилояти*



Оғриқ тишлар...

**Иқтисодиёт равнақи кўп жиҳатдан йўлларнинг равонлигига боғлиқ. Наманган вилоятига келган киши, таассуфки, йўлларнинг носозлигидан шикоят қилади. Бу соҳада ҳеч қандай иш амалга оширилмаяпти дегани эмас, шунчаки, амалга оширилганлари етарли бўлмаётганидан далолат.**

# «Унутилган» йўллар

Биргина мисол: вилоят марказидаги кўчалардан бири – Ҳамроҳ деярли бир йилдан бери ковлаб ташланган ҳолда турибди. Ёки «Сардоба» бозори атрофи, Марғилон кўчаларидаги ҳолатлар акс этган суратлар ижтимоий тармоқларда тез-тез кўриниш бериб туради. Бироқ бу масалага муносабат билдириши лозим бўлган мутасаддилардан негадир садо чиқмаётир.

Вилоятнинг қатор туманларидаги йўллар ҳам қониқарли даражада эмас. Чуст туманига эътибор қаратамиз. Хусусан, машҳур Чуст шаҳрининг қадимий бозори атрофида юришга яроқли йўлнинг ўзи йўқ. Ҳунармандчилик маҳсулотлари билан номи дунёга таралаётган шаҳар аҳолиси якшанба кунлик «Дўппи бозор» (аслида, дўппидўзларга ҳам қийин, тайинли ҳунармандчилик растасининг ўзи йўқ, қиш-ли-қировли кунларда бошидан ёғин, оёғидан лой тепчиб, пешона тери маҳсулини сотиш ҳам бир азоб), ҳафтанинг қолган кунларида қатнов йўли сифатида ботқоқликдан фойдаланади, очиғи йўл, дейишга истиҳола қиласан киши.

Аввалроқ, 2018 йилнинг ярмига қадар ўйдим-чуқур бўлса-да, асфальт йўл бор эди. Реконструкция қилиш ниятида ҳунармандлар растасини бузиб, янгидан йўл қилишди, бироқ асфальт тўшама қилишни «унутиб» қўйишди. Бу ботқоқ йўл ёқасида янги капитал таъмирдан чиқарилган боғча бор, маҳалланинг аксарият болалари шу йўлдан мактабга, одамлар бозор-ўчарга қатнайди. Аммо уларнинг лойга ботиб қийналаётгани ҳеч кимнинг парвойига келмайди.

Кишини ўйлатадиган яна бир жиҳат бор: мана шу ботқоқ йўл ёқасида қадимий Отчопар эшон ҳонақоси жойлашган. Бино 2017 йилда реставрация қилинган. Ислом оламида номи машҳур бўлган ҳонақо ҳозир ҳам зиёрат туризмининг муҳим объектларидан. Аммо унга нобоп йўл сабаб кўпчилик эмин-эркин кела олмайди.

* * *

Бугун биз сўз юритган масала: йўллар ва улардан фойдаланиш масаласида қонунчиликда мукаммал ечимлар берилган. Ҳамма гап ана шу қонунларнинг ишламаётганида. Зеро, «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари давлат мулки эканлиги қатъий белгилаб қўйилган бўлиб, мазкур мулкни «Йўл ташкилотлари автомобиль йўлларининг соз ҳолатда бўлишини, улардан транспорт воситалари муттасил ва хавфсиз ўтишини таъминлаши шарт» (16-модда).

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўллари минтақасида хавфсизликни таъминлаш ва ташкил этиш» қоидаларига биноан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини (шаҳар кўчаларини) бир йилда икки марта (баҳор ва кузда) мавсумий кўрикдан ўтказиш, кўрик натижалари асосида йўл ҳаракати хавфсизлиги тадбирларини ишлаб чиқиш белгиланган. Бундан ташқари, уларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш, ҳаракат хавфсизлигига зид ҳолатлар ёки йўлнинг ҳолатига боғлиқ бўлган йўл-транспорт ҳодисалари кўпайган йўл қисмларини келгуси йилда таъмирлаш режасига киритиш бўйича тегишли органларга таклиф тақдим этиш (маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эса ўз режаларига киритиши) зарурлиги белгиланган.



Айтмоқчи бўлган фикримиз шуки, йўлларимиз аҳволига муносабатимиз шу тарзда давом этса, бор асфальтлар ҳам емирилиб, лой кўчаларда қолиб кетаверамиз. Ваҳоланки, биз барча имкониятлар орзуларимизга уйғун бўлган юртда яшамоқдамиз.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
«Ishonch» мухбири



*Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига!*

## Заҳарли газга ким масъул?

Навоий вилоятида кўплаб йирик саноат корхоналари мавжуд. Саноат чиқиндиларидан чиқаётган заҳарли газ ҳавони ифлослантириши турган гап. Бунинг оқибатида кўплаб касалликлар ривожланиши ҳам барчага яхши маълум. Буларнинг олдини олиш, экологик ҳолатни яхшилаш бўйича вилоятимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Қолаверса, экологик ҳолат бузилган ҳудудларда қандай имтиёзлар мавжуд?

**Мунира ЭРГАШЕВА**

Кармана тумани

*Халқ таълими вазирлигига!*

## Фарзандларим савод чиқаролмайдими?



Фуқаролик паспортим йўқлиги учун фарзандларимга вақтида туғилганлик гувоҳномалари ололмадим. Турмуш ўртоғим вафот этгач, кўп йиллар турли манзилларда ижарада яшадим. Шулар сабабли ҳозирда 15 ва 13 ёшдаги фарзандларим мактабда ўқишмаган.

Ўтган йили Президентимизнинг кам таъминланган оилаларни қўллашга доир дастури асосида уйли бўлдим. Ўзим фуқаролик паспорти, фарзандларим туғилганлик гувоҳномасини олдик. Фарзандларимни мактабга жойлаштириш масаласида маҳалла, туман хотин-қизлар қўмитаси ва халқ таълими бўлимига мурожаат қилдим. Бироқ масала ечимини топмаяпти. Наҳотки, фан-технологиялар ривожланган даврда фарзандларим саводсиз бўлиб қолишса?

**Умида АНДАСОВА**

Бахт шаҳарчаси,
Улуғ йўл кўчаси, 165-уй, 10-хонадон

*Бош прокуратурага!*

**Ўтган йилнинг апрель ойида «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинган эди.**



## Шаҳар бедарвозами?

Ушбу Фармонни мен каби кўплаб инсонлар давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги ва мурувввати сифатида қабул қилгани аниқ. Лекин Юнусобод тумани ҳокимиятининг бу борадаги мурожаатимга тўрт ойдан буён жавоб бермаётгани ажабланарли.

Мазкур акциянинг жорий йил май ойигача давом этишини инобатга олсак, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган масалага беписанд муносабатда бўлаётгани англашилади. Ростини айтсам, менга ўхшаганлар сон мингта.

Хўш, бунга ким жавоб беради? Ёки халқимиз таъбири билан айтганда, «шаҳар бедарвоза»ми?

**Аброр ТОҲИРОВ**

Юнусобод тумани

*Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига!*

## Овулимиз қачон обод бўлади?

Овулимиз Тўрткўл тумани марказидан 70 км. узоқликда жойлашган. Унда минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Асосий касби чорвачилик бўлган овулдошларим ҳаётдан нолимайди. Лекин яхшироқ яшаш учун шароитлар етарли эмас. Хусусан, овул ичимлик суви билан таъминланмаган. Қишлоқ врачлик пункти бор-у, аммо шифокор йўқ. Болалар боғчаси, маданий дам олиш учун клуб, кутубхона биз учун катта орзу. Овулимиз ҳам «Обод қишлоқ» дастурига кирадими?

**Қувондиқ ЖАЛҒАСБАЕВ**

«Қумбосқан» ОФЙ,
Янгиовул маҳалласи



# Жавоб излаётган саволлар



*Тошкент шаҳар ҳокимиятига!*



## Ваъда қачон бажарилади?

Бундан бир неча йил муқаддам Тошкент шаҳар ҳокимияти пойтахтимизнинг гавжум жойлари, кўчалар, чорраҳа ва уйларнинг барчасига видеокузатув камералари ўрнатилишини маълум қилган эди. Бироқ «Ishonch» газетасида берилган маълумотга кўра, ҳозиргача атиги 34964 та кузатув камераси ўрнатилган бўлиб, бу борадаги ишлар «ўлда-жўлда» ҳолатда қолиб кетганлигини кўрсатиб турибди. Сабаби нима? Бу иш давом эттирилмоқдами? Мутасаддилар ваъдаси қачон бажарилади?

**Шерзод МЎМИНОВ**

Яшнобод тумани

*Ички ишлар вазирлигига!*



## Жарима майдончалари қуришда меъёр белгиланганми?

Қоидабузар ҳайдовчиларнинг автоуловини муайян муддатга жарима майдончасига жойлаштириш бўйича қонунчиликда белгиланган меъёрлар бор. Бу айрим «ўпкаси йўқ» ҳайдовчилар учун муносиб хулоса чиқариш воситаси, албатта. Аммо қандайдир сабаблар натижасида машиналар жарима майдончаларида узоқ вақт қолиб кетиши мумкин. Майдончаларнинг аксарияти бор-йўғи девор билан ўралган бўлиб, бу эса юртимизнинг иссиқ иқлим шароитида машиналарнинг айрим қисмлари сезиларли даражада зарарланишига олиб келади. Фуқарога мулкий зарар етказиш суд қарори билангина амалга оширилиши шартлигини инобатга олсак, жарима майдончаларида машиналар етарли шароитда сақланиши зарур. Бу ҳақда қонунчиликда қандай меъёрлар белгиланган? Замонавий жарима майдончаларини қуриш фурсати етмадими?

**Аброр АБДУФАТТОЕВ**

Чуст шаҳри

*Соғлиқни сақлаш вазирлигига!*

## Шубҳали тавсия

Беш яшар ўғлимнинг тоби қочиб, шифохонада даволанишига тўғри келди. Муолажалардан сўнг шифокор қўлимизга дармон-дорилар рўйхатини тутқазиб, бир қанча муддат уларни истеъмол қилишни тавсия қилди. Уларни харид қилдик. Ажабланарлиси, баҳоси 31 минг сўмлик «Нейразол», баҳоси 30 минг сўмлик «Ливерфин» суюқлиги қадоғига кўз базўр илғайдиган тарздаги майда ҳарфларда рус тилида «дорилик хусусияти йўқ» деган сўзлар ёзилганини кўриб хайрон қолдик. Бу суюқлик воситалари Тошкент вилоятидаги хусусий корхоналарда ишлаб чиқарилган. Фойдаси тегиши шубҳали бўлган бундай оддий қайнатмаларни тавсия қилиш ва пуллашдан ким манфаатдор?

**Баҳорой РУСТАМОВА**

Самарқанд шаҳри, Сўғдиёна мавзеси

*Адлия вазирлигига!*

## Мудиралар неча йил ишлайди?



– Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлда «Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 528-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида»ги Низомнинг «Давлат мактабгача таълим муассасасини бошқариш» бобининг 16-бандида «Давлат мактабгача таълим муассасаси мудири билан меҳнат шартномаси 1 йил муддатга тузилади» деб кўрсатилган. Бу Меҳнат кодексининг 75-моддаси талабларига зид эмасми?

**Саъдулло АБДУЛЛАЕВ,**

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Шаҳрисабз тумани кенгаши раиси

*Марказий банкка!*

## Фоизлар нега берилмаяпти?

Илгари ҳар ойнинг охирида пластик карталардаги фойдаланилмаган маблағга фоиз қўшиб берилар эди. Айни пайтда бу амалиёт тўхтаган. Хўш, бунинг сабаби нима? Банклар бу билан қонун талабларини бузмаяптими?

**Ҳумоюн НУРҚОБИЛОВ**

Учтепа тумани



*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Молия вазирлиги, Ҳисоб палатасига!*



## Меҳнат муҳофазасига муносабат шуми?

Мамлакатимизда меҳнат муҳофазаси, жумладан, ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш, махсус кийим-бош ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларига давлат бюджетидан маблағ ажратилмаяпти. Масалан, бюджетдан молиялаштириладиган (соғлиқни сақлаш, таълим) тармоқларда ходимлар мазкур тадбирларни ўз ҳисобидан амалга ошириб, чиқимдор бўлмоқда. Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Мактабгача таълим вазирликларида эса меҳнат муҳофазасига масъул шахс бириктириш, уларни ўқитиш ва малакасини ошириш ишлари йўлга қўйилмаган. Бу масала бир неча бор муҳокама қилинганига қарамасдан хали-ҳамон ўз ечимини топгани йўқ. Сабаби нимада?

**Иззатилла АКРОМОВ**

Тошкент вилояти

*Автомобиль транспорти агентлигига!*

## Ажабтовур йўл ҳақи

Янги йил арафасида метан газининг нархи 1900 сўмдан 2100 сўмга ошди. Бу эса йўналишда хизмат кўрсатувчи ҳайдовчилар учун йўл ҳақини оширишга яхшигина баҳона бўлди. Масалан, Данғарадан нари борса 5 км. узоқликдаги Тегирмонбоши, Қирқлар, Эшонбобо қишлоқларигача бўлган йўлкира минг сўмдан 1500 сўмга кўтарилди.



Йўл ҳақининг оширилиши учкўприклик йўловчиларни ҳам четлаб ўтгани йўқ. «Учкўприк — Янги бозор» йўналиши бўйича йўл ҳақи 2 минг сўм. Ажабланарлиси, кечки пайт 2 минг 500 сўм тўлашга тўғри келади. Баъзи ҳолларда бу кўрсаткич янада ошиши мумкин.

Умуман, йўналиш бўйича қатновчи ҳайдовчилар фаолияти ва йўл ҳақи миқдорини қайси ташкилот назорат қилади? Ёки йўловчилар ҳайдовчилар хоҳишига кўнишга мажбурми?

**Ўктамхон АКБАРОВА**

Фарғона вилояти

## Ҳақ тўлаш: вақтбайми ёки ишбай?

Ҳозирги пайтда аксарият олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчиларнинг иш кунлари ишхонада 9:00-17:00 гача бўлиши талаб этилади. Бу тартиб махсус журналда қайд этиб борилади. ОТМларда жорий этилган «Вақт меъёрлари»да эса соатлар кўрсатилган. Ҳақли савол туғилади: профессор-ўқитувчиларга нима асосда (ўқув юкламаси, барча соатлар ёки ишхонада бўлган вақт) ҳақ тўланади? Қолаверса, ҳақ тўлаш тартиби вақтбайми ёки ишбай?

**Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,**

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети профессори

*Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Молия вазирликларига!*



Кўнгил манзаралари



**Барака БОҚИЙ** *– Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида туғилган. «Сени кўрганимда», «Дунё» каби шеърий тўпламлари нашрдан чиққан.*

## Миллий ғурур

Жонбозликни жуда чуқур
таҳлил этгин,
Масъулият ҳиссин теран
англаб етгин.
Бу ишларни эплолмасанг
бадар кетгин,
Миллий ғурур деганлари
шудир асли.

Ҳеч сўлмасин кўнгил
ичра лолаларинг,
Камол топсин жондан
азиз болаларинг.
Юртга боғлиқ турсин
барча толаларинг,
Миллий ғурур деганлари
шудир асли.

Ҳақни кўрсанг, ўтма
юмиб кўзларингни,
Нурга чулға Худо
берган рўзларингни.
Шоир Боқий, ўрни
бўлсин сўзларингни,
Миллий ғурур деганлари
шудир асли.

## Бегоналар

Мажнун каби саҳроларда
қолсам майли,
Ошиқларга тўлмаса ҳам
дийдор сайли.
Сарсон килса қилаверсин
тақдир зайли,
Мендан нари юрсин
ишққа бегоналар.

Ҳиссиз одам тоғлардаги
тошга ўхшар,
Дарди йўқлар алоқ-чалоқ
тушга ўхшар,
Ёмон иллат чўгир, синиқ
тишга ўхшар,
Мендан нари юрсин
ишққа бегоналар.

Севишганлар бир-биридан
безмас асло,
Соғинч ичра ёлғон-яшиқ
кезмас асло,
Аллоҳ илҳақ кўнгилларни
эзмас асло,
Мендан нари юрсин
ишққа бегоналар.

Мендан нари юрсин
ишққа бегоналар...

Мулоҳаза учун мавзу

**«Кофе на вынос», «ZeroMax», «Orient House», «Cambridge kids kindergarden», «Leaders», «Аты-Баты», «Weber», «Зелёный чай», «Smile tea»... Бинолар пештоқидаги ва ҳар куни истеъмол қилинадиган маҳсулотлардаги ёзувларни кўрган киши ўзини хорижнинг аллақайси шаҳрида юргандек ҳис этади. Аммо улар ўзимизнинг юртимизда...**




# «ЖОҲОН–ХРУСТ»НИНГ ЗАРАРИ

*ёхуд тилга эътиборсизликнинг оқибатлари хусусида*

Айтмоқчи бўлганларимиз янгилик эмас, бу ҳақда кўп гапирилмоқда, ёзилмоқда. Аммо то ҳануз ўзгариш йўқ. Юқумли хасталикдек тез ёйилаётган бу ҳолнинг сабаби нима? Балки, хорижга кўр-кўрона тақлид, гўзал кўринган хорижий сўзларга қизиқишдир? Балки, шундай ном билан мижоз чақириш осондир? Ва яна кўплаб балкилар бордир?..

Аммо барчасининг ортида биз унутаётган жиҳат бор – миллий ғууримиз. Наҳотки, ўзбек тилида бундан-да чиройли сўзлар бўлмаса... Фақат...

Биласиз, тилнинг оммалашувида оммавий ахборот воситасининг ўрни ниҳоятда катта. Ҳатто, ОАВни савод мураббийлари сафида ҳам кўриш мумкин.

Афсуски... Мана сизга бир мисол. «Миллий ТВ» каналида маккажўхори рекламасида ишлаб чиқарувчи «Жаҳон» сўзи «Жоҳон» тарзида талаффуз қилинади ва ёзилади. Ўзбекча ва русча сўзлар аралашмасидан олинган бу номдаги маҳсулот рекламасини томоша қилувчиларнинг катта қисмини айнан болалар ташкил қилишини ҳисобга олсак, биргина «Жоҳон хруст»нинг зарари кўламини тасаввур қилиш қийин эмас.




Албатта, бизнесини йўлга қўяётган тадбиркор маҳсулотига жозибали ном қўйишга интилади. Чунки жарангдор, эсда қоладиган, аниқ ва қисқа ном маҳсулотнинг довруғ таратишига ёрдам беради. Тадбиркорлар айни шу жиҳатларга эътибор қаратиб, ўзбек тили қонун-қоидалари, менталитетимизга мослигини назардан қочирмоқда.

Миллийлигимиз ҳақида гап кетганда ҳар қандай хорижликнинг кўз олдига ош, дўппи сингари маҳсулотларимиз келади. Бироқ ошга солинадиган зираворлар негадир «приправа для плов», «набор приправ» деб қадоқланади. Афсуски, тилимизга ёт бундай қарашлар тобора «урчиб» кетмоқда. Бунинг зарари бирдан кўринмайди, 10-15 йиллар ичида юзага чиқади. Чунки, биз ўша маҳсулотларга қўшиб, она тилимизни ҳам еб битиряпмиз.

*Кўплаб ОАВда бунга ҳеч қандай эътибор қаратилмайди. Мана сизга бир мисол.* ***«Миллий ТВ»*** *каналида маккажўхори рекламасида ишлаб чиқарувчи* ***«Жаҳон»*** *сўзини* ***«Жоҳон»*** *тарзида талаффуз қилади ва ёзади.*

– Университетимизда нейминг лабораторияси маркази очилган, – дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, филология фанлари номзоди Муяссар Сафарниёзова. – Нейминг тилни меъёрлаштириш деганидир. Ҳар бир тушунча, ҳодиса, атаманинг муқобили тилимизда мавжуд. Илмий марказимиз қўйилган ва қўйиладиган номлардан жарангдор, ижобий тасаввурларни чақирадиган ва ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасида кўприк бўлиб, номлар захирасини яратиш билан шуғулланади. Фирма ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини патентлаш жараёнида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз. Бунда патент берадиган ташкилотларга хат билан чиқиб, қўйилаётган ном ўзбек менталитети, Давлат тили ҳақидаги қонун ва тилнинг ўзига хос хусусиятларига мослиги тўғрисида марказимиз хулоса беради. Ном шундан кейингина истеъмолга чиқазилади. Яқин ойларда шуларни амалга ошириш ниятидамиз.

Мазкур ҳолат ҳақида мулоҳаза юритаётиб, шундай хулосага келдик. Маҳсулот номлари ва бино пештоқларидаги номлар ва улардаги хатоликлар учун масъулиятни амалга ошириш зарур. У қандай бўлишидан қатъи назар, ҳар бир инсон билсинки, тилга эътиборсизлик жавобгарликка олиб келади. Ана шундагина биз ўзлигимизни асраган, эртанги авлодга тилимизни «ҳакка чўқимаган» ҳолатда етказа оламиз.

**Навоий бобомиз айтган эдиларки, тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз. Шундай экан, бу масалада чуқурроқ ўйлаб кўриш фурсати етди.**

**Маҳлиё УМИРЗОҚОВА,**
«Ishonch» мухбири

### Ҳикмат

*Онасини беҳурмат қилган одам қўшни кампирни яхши кўраман деса, ишонмайман. Ўз халқининг тилини, маданиятини, тарихини ҳурмат қилмаган одам бошқа халқларнинг тилини, маданиятини, тарихини ҳурмат қиламан, деса ишонмайман.*

**Ўткир ҲОШИМОВ**

Футбол



**Футбол бўйича Осиё кубоги учун баҳслар якунига етганига, мана, хашпаш дегунча уч кун ҳам ўтиб кетибди. Ҳолбуки, куни кеча ушбу мусобақа бошланишини кутиб, тақвимдан кўз узолмай тургандик.**

# ЯНА ҚАНЧА КУТАМИЗ?

*бир йилми, уч йилми, ўн йилми?..*

Эътироф этишга мажбурмиз: бу галги чемпионат аввалгиларига қараганда анчайин шиддатли ва кескин тарзда кечди. Қилни қирқ ёриш ҳадисини олган мутахассисларнинг башорати йўққа чиқди. Ўйлаб қоласан киши. Улоқни олиб кетишга биринчи даъвогарлар четда қолиб, гуруҳ ўйинлариданоқ қанчалар пухта ҳозирлик билан БААга ташриф буюрганини исботлашга уринган Қатар термаси финалда Японияни 3:1 ҳисобида енгиб, олтин медал соҳибига айланганини қандай баҳолаш мумкин? Шунинг ўзиёқ қитъа футболи янгича кўриниш ҳосил қилишга ўтганидан далолат эмасмикан?

Япония, Жанубий Корея, Эрон... Улар сафига Саудия Арабистони, Австралия, Ироқ каби жамоаларни ҳам қўшиш мумкин эди. Лекин амалда...

Бу яхшими ёки ёмон? Буни вақт кўрсатади ва шак-шубҳа йўкки, мураббийлар Қатар бошқотирмаси қайси жиҳатларига кўра бошқаларникидан устун ва мукаммалроқ эканлигига аниқлик киритадилар ҳамда ўзлари танлаган стратегия ва тактикаларни қайта кўриб чиқадилар. Улар қаторида ўзбекистонлик мутасаддилар ҳам борлигига асло шубҳа қилмаймиз.

Рост-да, нима, биз чемпион бўлсак ярашмасмиди? Шундоқ ҳам ярашардики!.. Лекин лойиқлик ва муносиблик деган тушунчалар ҳам борки, дўппини бошдан олиб, мушоҳадага берилганимиз ҳамон жавоб топишимиз даргумон бўлган бир қатор саволлар қуршовида қолишимиз ҳам тайин.

Қаерда янглишдик? Ёки биздан омад юз ўгиргани сабабми бунга? (Австралия термаси билан кечган пенальтилар серияси ёдга тушади беихтиёр). Умуман, яхшироқ натижага эришиш учун имкониятимиз етарли эдими, ёки...

1994 йили Осиё ўйинларида чемпионликни қўлга киритган футбол жамоамиз, мана 15 йил ўтяптики, қанчадан-қанча мундиаллардан қуруқ қайтаяпти. Тўғриси, биз мухлислар ҳам чор-ночор бунга кўникиб қолдик, худди шундай бўлиши керакдек. Нима, бизда истеъдодлар йўқми – Красницкий, Абдураимов, Ан, Қосимов ёки Шквиринларнинг издошлари наҳотки орамизда бўлмаса? Демак, бу масалада ечимини кутаётган жавобсиз саволлар йиғилиб қолган ёки истеъдод эгаларини кашф этиши лозим бўлган селекционерларимизнинг фаолиятида кемтиклик мавжуд...

Бешинчи синфда ўқийдиган неварам бор. Баъзан-баъзан ғурури ичига сиғмай сўз очиб қолади:

– Кеча телевизорда кўрдим. Месси менинг усулимда гол урди...

Тунов куни дарвозага қай тарзда тўп йўллаганини бутун тафсилотлари билан гапириб берди:

– Бурчакдан ўртоғим оширган тўпга оёғимни букиб, товонимни қўйгандим, тўп бошимдан ошиб аввал дарвоза тўсинига, кейин устунига тегиб, тўрга бориб тушди...

Шубҳам йўқ, болалардан ёки ўсмирлардан сиз ҳам шунга ўхшаш гапларни кўп эшитгансиз, ўз кўзингиз билан кўргансиз ҳам.

Нима демоқчиман? Иқтидор эгалари жуда кўп, улар ҳамма жойда бор. Уларни рағбатлантириш, тўғри йўналиш бериш ва янги-янги марраларни эгаллашлари учун бироз эътиборлироқ бўлиш талаб этилади, холос.

Узоққа бориб нима қилдик – ўсмирларимиз, шунингдек, ёшларимиз қанчадан-қанча халқаро турнирларда совринли ўринларни эгаллаб келганида, улар аэропортдами, вокзалдами зўр тантаналар билан кутиб олинганлигини, шов-шувли мақолалар ёзилганини унутиб бўларканми, ахир! Бироқ...

Савол туғилади: қани ўша бўлажак юлдузлар? У ёки бу клуб таркибига кириб, униб-ўсиш ўрнига сув қаърига сингиб кетган каби ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетганликларини нима билан изоҳлаш мумкин?

Яна бир ўта муҳим гап – мураббий масаласида бундан буён шошма-шошарлик қилинмагани маъқул. Яхлит жамоа икки-уч ой, ярим йилда юзага келмаслиги кўп бор тажрибадан ўтган. Бунинг учун ками бир йил, эҳтимолки, яна бир мунча кўпроқ муддат керак бўлади.

Чол ибн Хаттобликни фақат болаларбоп фильмларда кўриш мумкин. Бошқача айтганда, Э.Куперга нисбатан ишлатганимиз «супер» деган ташбеҳ чиндан-да ўз тасдиғини топиши учун аргентиналик мутахассисга имкон берайлик. Ажаб эмас, бу ёғига умид қилганимиз ва ишонганимиз ёрқин ғалабаларни кўриш насиб этса!

**Зайниддин РИХСИЕВ**



*Болалигим – пошшолигим, дея бежиз айтишмаган. Бу даврда жажжи қалб эгаси еттинчи осмонда учади. Орзулари ўзи каби содда, самимий, қувончларга тўла. Кулгулари ҳар қандай тош-юракни ҳам эритиб, беғуборлик оламига етаклайди.*

Эълонлар

Тузатиш

**«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси маълум қилади!**

«Ishonch» газетасининг 2019 йил 31 январдаги 18 (4147) сонида «Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги **«2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдолари №2019-04 даги таклифларни топширишнинг охирги муддати: Самарқанд вилоятида 2019 йил 1 ва 2 март кунларидан мос равишда 4 ва 5 март кунларига ҳамда Наманган вилоятида 2019 йил 1 март кунидан мос равишда 5 март кунига»** деб тузатиб ўқилсин.

Туманларнинг таклифларни топшириш соатлари эълонда кўрсатилганидек ўзгармасдан қолади.

**«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси**

*Хабарнома*

**«Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ «кимошди» савдосига таклиф этади!**

Савдога «Бухоро гўштсутсавдо» улгуржи ҳудудий базаси билан тузилган савдони ташкил қилиш шартномасига асосан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

**1.** 2007 йилда и\ч, «SAZ NQR 71PL» русумли, д\р: 80\868 GAA бўлган юк автомашинаси. Бошланғич баҳоси – 120 000 000 сўм.

**2.** 2007 й. и\ч, «SAZ NQR 71PL» русумли, д\р: 80\848 GAA бўлган юк автомашинаси. Бошланғич баҳоси – 120 000 000 сўм.

«Кимошди» савдолари 2019 йил 9 март куни соат 11:00да Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Аризалар 2019 йил 7 март куни соат 18:00гача қабул қилинади.

Шу куни сотилмай қолган автотранспорт воситалари савдо шартлари ўзгармаган ҳолда 2019 йил 16, 23, 30 март ва 6, 13, 20, 27 апрель кунлари қайта очиқ савдоларга чиқарилади.

**Савдоларда қатнашиш учун истак билдирган шахслар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:**

– Мулкни сотиб олиш учун ариза;

– Закалат тўғрисидаги келишув шартномаси;

– «Савдо ташкилотчиси»нинг ҳисобрақамига (МФО: 00119, СТИР: 300615974, «Ипотека банк»нинг «Сардор» филиали, ҳ/р: 20208000604658859001) мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиз миқдоридаги гаров пулини тўлагани тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;

– **Жисмоний шахслар учун** – паспорт нусхаси, вакили бўлса, қонунчиликда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома;

– **Юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси. Агарда савдода ваколатли вакил қатнашганда, қонунчиликда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилади.

Аризаларни қабул қилиш (шанба ва якшанба ҳамда байрам кунларидан ташқари) савдолар бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аризалар «Бухоро ҳамкорлик савдо» МЧЖ томонидан қабул қилинади.

Иштирокчиларга аукцион савдоси тўғрисидаги эълон чоп этилган кундан бошлаб аукционга қўйилган мулклар билан танишиш имконияти яратилади.

**Манзил:** Бухоро шаҳри, И.Каримов кўчаси, 10-уй. **Телефон:** (0-365) 221-58-87.

**Хизматлар лицензияланган.**

**МУАССИС:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон** – (+998-99) 889-90-23
**Жиззах** – (+998-99) 889-90-25
**Наманган** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий** – (+998-91) 537-61-76
**Самарқанд** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё** – (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
Х. Норбоев
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – **22:55**
Топширилди – **23:10**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма **Г – 217.** **30611** нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 4 5 6